



*Хуш келибсизлар!*

# Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш



**Фитрат шеърларини ёд олиш**

# *Фитрат ҳақида...*

1. Фитрат ким?
2. Фитратнинг ота-онаси ҳақида нималар биласиз?
3. Фитрат қаерларда таҳсил олган?
4. “Тарбияти афтол” жамиятининг мақсади нимадан иборат эди?
5. 1914 йил Истамбулдан Бухорога қайтиб келган Фитрат нима билан шуғулланди?
6. Фитратга Ленинградда қандай унвон берилди?
7. Фитратнинг қандай асарларини биласиз?

Янги маъзу: Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди. «Вакт» веб-сайти

1903 йил 10 май



1966 йил 10 июль

## Таржимаи ҳол

Ўзбек адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Қўрғонтеги маҳалласида таваллуд топди. Тўққиз ёшида отасидан, ўн беш ёшида онасидан етим қолган Ғафур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. У Октябрь тўнтарилишидан кейинги йилларда муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги мактабларда ўқитувчилик қилди.

1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати» газеталари таҳририятларида ишлади. Газета унинг учун дорилфунун ролини ўтади, халқ ҳаётини ўрганиш, унга фаол аралашуш йўлида муҳим восита бўлди.

Адибнинг мамлакатни ҳимоя қилиш ҳақидаги тантанавор шеърлари, ўтмиш сарқитларини қораловчи ҳажвиялари ва халқнинг кундалик ижодий меҳнатини олқишловчи асарларидан жамланган «Динамо» ва «Тирик қўшиқлар» номли дастлабки шеърий тўпламлари 1931-1932 йилларда чоп этилди. Шоир 1930-1935 йилларда «Кўкан» достонини, «Тўй», «Икки васиқа» балладаларини яратди.

У 60 йиллик юбилеи муносабати билан «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлган (1963). 2000 йилда эса Ватан олдидаги унутилмас хизматлари учун унга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

Шоирнинг кўпгина асарлари қатор халқлар тилларига таржима қилинган. Ўзбек шеъриятининг оташин жарчиси, улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом миллий адабиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган адибдир. Адиб 1966 йилда вафот этган.

## Ижодий фаолияти

«Динамо», «Йигит», «Эгалари эгаллаганда», «Хитойдан лав-ҳалар» (1931), «Тирик кўшиқлар» (1932), «Кўкан» (1934), «Сизга» (1935), «Чашма» (1939), «Янги шеърлар», «Шеърлар» (1946), «Ўзбек элининг ғурури» (1949), «Шараф кўлёмаси» (1950), «Танланган асарлар» (1956—59, 4 жилдди) шеърый тўплам ва дostonлари, «Жўрабўза» ҳикоялар тўплами, «Мухбир суди» (1929) пьесаси ҳамда «Нетай» (1932), «Тирилган мурда» (1935), «Ёдгор», «Шум бола» (1938) каби қиссалар муаллифи. Ғафур Ғулом урушдан кейинги йилларда ҳам самарали қалам тебратиб, юксак бадий асарлар яратди; публицистика ва адабиётшуносликка оид қатор ажойиб мақо-лаларини эълон қилди. Унинг ижоди халқ ҳаётининг шу даврдаги ўзига хос йилномаси ўлароқ намоён бўлди. Агар Ғафур Ғулом шу даврда шеърый асарлари билан файласуф шоир даражасига кўтарилган бўлса, «Шум бола» қиссаси, «Менинг ўғригина болам» сингари ҳикоялари билан халқ турмуши ва руҳини яхши билувчи моҳир носир эканлигини намойиш этди. Ғ.Ғуломнинг бир неча бор сайланма асарлари, тўпламлари йиллар давомида изчил босилиб турган. Унинг ўн жилдлик танланган асарлари чоп этилган. Адиб таваллудининг 100 йиллигида эса бир жилдлик (назм ва наср) «Танланган асарлар»и (2003) нашр этилган. Асарлари асосида театр спектакллари ва кинофилмлар яратилган («Шум бола» ва бошқа). «Отелло», «Қирол Лир» цингари жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган.


# Вақт

- Ғунча очилгунча ўтган фурсатни  
Капалак умрига қиёс этгулик,  
Баъзида бир нафас олғулик муддат —  
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.
- Яшаш соатининг олтин капгири  
Ҳар бориб келиши бир олам замон.  
Қоинот шу дамда ўз куррасидан  
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.
- Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,  
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;  
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,  
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.
- Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун  
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.  
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг  
Барини тутолмас ай(ю)ҳаннос овоз.
- Йигит термилади қизнинг кўзига,  
Киприк сузилиши, майин табассум...  
Қўша қаримоққа муҳр бўлади  
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.
- Яшаш дарбозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам,  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,  
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.
- Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,  
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.  
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,  
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.
- Қатрада осмон акс этганидек  
Жаҳондай маънодор қорачиғимиз.

- Ғолиб асримизга куёшдан машъал,  
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.
- Замона соати занг урар мудом,  
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,  
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,  
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.
- Рейхстаг устига ғалаба туғин  
Қадашда отилган адолат ўки —  
Ялт этган умри-ла барқарор қилди  
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.
- Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг  
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
- Шу малъун имзода одамлар ўқир  
Миллион йил фашистнинг умрига ланъат.
- Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.
- Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек  
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.  
Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб,  
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.  
Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,  
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун  
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.
- Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,  
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.  
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,  
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

**Ғафур Ғулом**

**“Менинг ўғригина болам”**



**Ғафур Ғулом**

**“Шум бола”**




**Ғафур Ғулом ёзган асарларни уқинг!**

**Мен жуда узоқ вақтлардан буён Ўзбек халқининг севимли шоири Ғафур Ғулом ижоди ҳақида ёзишни режалаштириб юрардим, бунга фурсат тополмасдим. Фурсат топсам, устоз шоир ва бетакрор ёзувчи Ғафур Ғулом китобларининг менда йўқлиги бу хайрли ишга монелик қиларди. Шундай бўлса-да, бугун буюк шоир ва ёзувчи Ғафур Ғулом ижоди ҳақида, хотирот муҳромасига таяниб, билганимча ёзишга қарор қилдим. Мен аввало, Буюк Ўзбек шоирининг шеъриятига тўхталмоқчиман. Ғафур Ғулом қаламига оид ташбеҳлари эскирмайдиган, ўзига ҳос шеъриятда бадиий образлар жонли, воқеалар эса ҳаётий. Унинг шеърияти - тирик шеърият. Ғафур Ғулом шеърларини ўқир экансиз, гўё ўзингизни шоир яшаган замон галереясига кириб қолгандай, ватанимиз, халқимиз тарихи акс этдирилган ғаройиб картиналарни, полотноларни томоша қилаётгандай сезасиз.**

**Холдор Вулқон**





# **БУГУНГИ ЎТИЛГАН ДАРСГА ОИД ҚАНДАЙ МАҚОЛЛАР БИЛАСИЗ?**

- 1. Вақтинг кетди – бахтинг кетди.**
- 2. Вақтинг кетди – нақдинг кетди.**
- 3. Вақт – олий ҳакам.**
- 4. Барвақт қилинган ҳаракат,  
    Ҳосилга берар баракат.**
- 5. Вақтли ҳаракат — охири баракат.**
- 6. Ўтган вақт йўқолган олтиндан қиммат.**
- 7. Ҳар бир ишнинг вақти бор,  
    Вақт билганнинг бахти ёр.**
- 8. Вақт — ғанимат,  
    Ўтса — надомат.**
- 9. Вақт — қози.**
- 10 Вақтдан ютдинг — бахтдан ютдинг.**

# Шеърият гулшани

## “Соғиниш”

Боғда товус каби хиромон бўлиб,  
Умид данагини бирга экингиз,  
Ғолиб келажакни сайр қилайлик  
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.

## “Янги йил қўшиқлари”

Майда акс этмишдир саҳар кулгуси,  
Қуёшга ранг берур юзларнинг туси,  
Димогда эртанги баҳор атри бор,  
Бизга қучоқ очар золиб келгуси

## “Қуёшнинг ёруғлиги барча халққа баробар”

Ҳар бир озод кишининг  
Ўз фикри, ўз ишончи.  
Жумла инсонларга хос  
Китоби ва таянчи.  
На бировни қул қилур,  
На бировга бўлур қул.  
Ҳамма одам ёру дўст,  
Қайгусиз ёруғ кўнгил

# Саволларга жавоб беринг

1. Гафур Гулом яшаган давр ҳақида айтинг.
2. Гафур Гуломнинг болалик йиллари қандай кечди?
3. У 1916-1917 йилларда нималар билан шуғулланди?
4. Шоирнинг уруш йиллари даврида яратган асарларини айтинг.
5. “Вақт” шеърининг яратилиши тарихи ҳақида нималар билиб олдингиз?
6. Гафур Гуломнинг насрий асарларини сананг.
7. Шоирнинг қайси шеърларини биласиз?
8. Адибнинг унвонларини айтинг.

*Уйга вазифа:*

*Ғафур Ғулом ҳаёти ва  
ижсодини ўрганиб келиш,  
“Вақт шеърини ёд олиш”*

Эътиборларингиз

учун раҳмат!